

БУЮК ҚОМУСИЙ ОЛИМ

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти
давлат музейи ходими М.Давранова*

Абу Али Ибн Сино (980-1037) Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим. Фарбада Авецена номи билан машҳур. Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ Балх шаҳридан бўлиб, Сомонийлар амири нух ибн Мансур (967-997) даврида Бухоро томонга кўчиб, Хурмайсан қишлоғига молия амалдори этиб тайинланади. У Афшона қишлоғида Ситора исмли қизга уйланиб икки ўғил фарзанд кўради. Ўғилларининг каттаси Хусайн (Ибн Сино) кенжаси Маҳмуд эди. Хусайн 5 ёшга киргач, улар оиласипойтахт- Бухорога кўчиб келишади ва Ибн Синони ўқишга берадилар. 10ёшга етар-етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади. Араб тили ва адабиётини мукамал эгаллайди. Ибн Синонинг илм соҳасидаги дастлабки устози Абу Абдуллоҳ Нотилий эди. У эл орасида ҳаким ва файласуф сифатида машҳур бўлгани учун отаси Ибн Синони унга шогирдликка беради. Нотилийнинг кўлида Ибн Сино мантиқ, хандаса ва фалакиётни ўрганди, баъзи фалсафий масалаларда устозидан ҳам ўзиб кетади. Ибн Синонинг ақл-заковатини кўрган устози отасига уни илмдан бошқа нарса билан шуғуллантирмасликни тайинлайди. Шундан сўнг ота ўғлига илм ўрганиш ва билимларини чуқурлаштириш учун барча шароитларни яратиб беради. Абу Али тинмай мутолаа қилиб турли илм соҳаларини ўзлаштиришга киришди. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқиди., хусусан табобатни севиб ўрганди. Бу илмда тез камол топа бошлади. Ибн Синони тиб илмида юксак маҳоратга эришишида бухоролик бошқа бир табиб Абу мансур ал-Ҳасан ибн Нух ал Қумрийнинг хизмати катта бўлди. Ибн Сино ундан табобат дарсини олиб, бу илмнинг кўп сирларини ўрганди. Қумрий бу даврда анча кексайиб қолган бўлиб 999- йилда вафот этади. Ибн Сино 17 ёшидаёқ Бухоро аҳли орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳуқумдор Нух ибн Мансур бетоб бўлиб сарой табиблари уни даволашга ожиз эдилар Ёш табиб амирни даволашга саройга келади. Унинг муолажасидан кейин бемор соғайиб оёққа туради. Эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Сомонийларнинг кутубхонаси ўша даврда бутун Ўрта ва яқин Шарқдаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналарди. Ибн Сино бир неча йил давомида шу кутубхонада кечаю кундуз мутолаа билан машғул бўлиб, ўз даврнинг энг ўқимишли билим доираси кучли инсонлардан бирига айланди. Шу пайтдан бошлаб ўрта аср фалсафасини мустақил ўрганишга киришди. Юнон

муаллифларининг хусусан Аристотелнинг “Метафизика “ асарини берилиб ўрганди. Лекин бу китобда баён қилинганларнинг аксарияти унинг учун тушунарсиз эди. Тасодуфан ёш олимнинг кўлига Абу Наср Фаробийнинг “Метафизиканинг мақсадлари ҳақида”ги китоби тушиб қолади. Ибн Сино уни ўқиб чиққандан кейин метафизикани ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Шу тариқа Ибн Сино барча билимларни Бухорода олади. Бу ерда у шогирдининг илтимосига кўра мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларго оид бир қатор рисоалар ёзди. Энг муҳими “Тиб қонунларини” дастлабки қисмларини яратди. 1914-йилда олим Журжонни тарк этиб, Райга кўчди. У Райга келган вақтида бувайхилардан бўлган Маждуддавла Абу Толиб Рустам ва унинг онаси Саййиданинг Хотун ҳукумронлик қилар эди. Бу ерда савдойи дардга чалинган Маждуддавлани даволайди. Шу сабабли салтанат тепасида турган Саййиданинг ҳурмат эътиборига сазовор бўлади. Лекин олим Райда ҳам узоқ туролмади, чунки султон Маҳмуд Ғазнавийнинг Райга ҳам ҳужум қилиш хафи бор эди. Шу сабабли Райни тарк этиб, Ҳамадонга Маждуддавланинг акаси Шамсуддавла (997-1021й) ҳузурига кетади. Ҳукумдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қиладилар. У аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик даражасига кўтарилади. Ибн Сино давлат ишлари билан банд бўлишига қарамай, илмий ишларини ҳам давом эттиради ва қатор асарлар яратади. “Тиб қонунлари” биринчи китобини тамомлайди.. ва қолган қисмини ҳам тугатади. “Китоб аш-шифо”ни ҳам Ҳамадонда ёзишга киришади. Ибн Сино Ҳамадонда 1023-йилгача яшайди ва айрим сабабларга кўра Исфахонга жўнаб кетади. Умрининг 14 йилини шу ерда ўтказди. Бу ерда ҳам у тинимсиз илмий иш билан машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. “Китоб аш-шифо”нинг қисмлари, форс тилидаги “Донишнома” ва 20 жилдли “Инсоф, адолат китоби” шулар жумласидан. Жунжонийнинг ёзишича Ибн Сино гарчи қисман жуда бақувват бўлсада, бироқ шаҳарма-шаҳар дарбадарликда юриш кеча-кундуз тиним билмай ишлаш ва бир неча бор таъқиб қилиниб, хатто хибсда ётишлар олимниг саломатлигига жиддий таъсир кўрсатади. Ва у қуланж(копит) касалига учрайди. Алоудавланинг Ҳамадонга юриши вақтида Ибн Сино қаттиқ бетоблигига қарамай, у билан бирга сафарга чиқади. Йўлда дармони куриб, оғирлашиб 57 ёшида оламдан ўтади. Олим Ҳамадонда дафн этилади. Унинг қабри устига 1952 йилда мақбара ишланган. Мақбара Ибн Синога бағишланган музей хоналарини ўз ичига олади. Замондошлар Ибн Синони Шайх ар-раис (донишмандлар сардори), Шараф ал-мулк (мамлакатнинг обрусси) Ҳужжат ал-хаққ (ростликка далил), Ҳаким ал-вазир (донишманд вазир) деб атаганлар. Жахон фани тарихи Ибн Синони қомусий олим сифатида тан олган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзб 1 п Каримов И. Миллий мафкура - мамлакат келажаги пойдевори. “Халк сўзи” газетаси, 7 апрел, 2000 йил.
2. Ўзб 1 п Каримов И. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Т.”Шарқ”, 1998.
3. Ўзб 1 п Каримов И. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз” “Ишонч” газетаси, 25 январ 2000 йил.
4. Ўзбекистон тарихи (қисқача маълумотнома) Т. ”Шарқ”, 2000.
5. Ўзбекистон тарихи (1-қисм), Т.”Университет”, 1997.
6. Ўзбекистон тарихи (талабалар учун қисқача Маърузалар матни), Т., “Университет”, 1999.
7. www.ziyonet.uz
8. www.pedagog.uz